

# **“Янги Ўзбекистоннинг баҳтли болалари” байрам тадбирлари давом этмоқда**



Термиз туманидаги 1-сонли мактабгача таълим ташкилотида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Янги Ўзбекистоннинг баҳтли болалари” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда боғча тарбияланувчилари томонидан тайёрланган байрамона концерт дастури намойиш этилди. Жажжи болажонлар томонидан айтилган шеър ва қўшиқлар, ижро этилган рақслар барча бирдек манзур бўлди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда туманда жами 91 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритаётган бўлиб, ушбу таълим масканларида 6297 нафар 3-7 ёшли болалар қамраб олинган.